

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРХОНОВ УТКИР КАХРАМОНОВИЧ

**БОШҚАРИЛУВЧИ ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛАР АСОСИДА
КОМПРЕССОР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирхонов Уткир Кахрамонович

Бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигини ошириш 3

Мирхонов Уткир Кахрамонович

Повышение энергоэффективности компрессорных установок на основе управляемых электроприводов..... 23

Mirkhanov Utkir Kahramonovich

Improving the energy efficiency of compressor devices based on controlled electric drives..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 45
List of published works 45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРХОНОВ УТКИР КАХРАМОНОВИЧ

**БОШҚАРИЛУВЧИ ЭЛЕКТР ЮРИТМАЛАР АСОСИДА
КОМПРЕССОР ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1618 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.energetika.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тоиров Олимжон Зувурович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қаршибаев Асқарбек Илашевич**
техника фанлари доктори, профессор
Ҳошимов Урал Ҳошимович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида ҳузуридаги DSc.02/30.12.2021.T.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: energetika_in@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100076, Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий 1-ўтар кўчаси, 9-А.. Тел.: (99871) 283-23-08).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Х.М. Муратов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

К.Ш. Кадиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

О.Х.Ишназаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия самарадорлиги иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик соҳаларда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг муайян воситаларидан бири бўлиб келмоқда. Жумладан, табиий газга бўлган талаб саноат ва электр энергетика соҳаларида тез суратларда ўсиб бормоқда. Келгуси 5 йил ичида газга бўлган жаҳон талаби йилига ўртача 1,4 % ўсиши ва 2040 йилга бориб 5400 млрд м³ га етиши кутилмоқда¹. Ушбу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, газни узатиш компрессор станцияларининг иш режимларини оптималлаштириш, газ узатиш жараёнида бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, ҳамда электромеханик тизимнинг энергия самарадорлигини аниқлаш методикасини ва алгоритмининг ишлаб чиқиш, агрегатнинг энергетик кўрсаткичларини баҳолаш ва моделлаштириш асосида энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда газ ҳайдаш агрегатлари қурилмаларининг техник кўрсаткичларига ташқи омиллар ва иш тавсифларининг таъсирини ҳамда ускуналарнинг энергетик самарадорлиги ва оптимал иш режимларини аниқлаш, газни узатиш жараёнидаги частотавий ростланадиган электр юритмасини динамик ва статик режимларида энергия тежамкор усулларни ишлаб чиқишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, газни узатиш жараёнида частотавий ростланадиган синхрон двигателларни бошқариш асосида агрегатдан газнинг чиқиш ҳароратини мақбул даражада ушлаб туриш, синхрон двигателларни ростлаганда оптимал меъзонларни аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, технологик жараён хусусиятидан келиб чиқиб, газни ҳайдаш агрегатларининг ростланадиган электр юритмаларини бошқариш меъзони ва усулини ишлаб чиқиш, ростланадиган электр юритманинг статик ва динамик барқарорлигини таъминлаш ҳамда амалиётга жорий этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда газни узатиш жараёнидаги сарфланадиган энергия истеъмолини камайтириш орқали энергия самарадорлигини ошириш, янги энергия тежамкор технологияларни яратиш, электромеханик тизимларни технологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда комплекс бошқариш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш...»² бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, газни узатиш компрессор станцияларида ўзгарувчан технологик параметрларни эътиборга олган ҳолда газ ҳайдаш агрегатининг электр юритмасини автоматик бошқариш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-

¹ <https://www.eriras.ru/files/mirovye-gazovye-gorizonty-do-2040-goda.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг 2 «Энергетика, энерготехкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Магистрал газ қувурлари тизимидаги компрессор станциялари газ ҳайдаш агрегатларида энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари, газ ҳайдаш агрегатларини меъёрий кўрсаткичларга асосланган автоматик бошқариш тизимларини такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижий олимлар, жумладан В.К. Kumar, М.Малиновски, L.G. Franquelo, L.M. Tolbert, J. Rodriguez, S. Kouro, D.V. Benn, М.А. Perez, R.E. Kalman, K.D. Lyuis, С.Е. Shannon, S.A. Makridakis, G.R. Schwartz, А.М. Абакумов, В.Н. Мосин, Л.А. Мигачева, С.В. Алимов ва бошқалар ҳисса қўшганлар. Иқтисодиёт тармоқларида, саноат корхоналари истеъмолчиларининг иш режимларини оптималлаштириш орқали энергия тежамкорликка эришиш, янги энергия тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича маҳаллий олимларимиздан Р.А. Захидов, К.Р. Аллаев, Т.Х. Насиров, Х.М. Муратов, Ф.А. Хошимов, Н.Ҳ. Бозоров, Н.Б. Пирматов, Н.Н. Садуллаев, А.И. Каршибаев ва бошқалар салмоқли натижаларга эришган.

Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегати қурилмалари юритмаларини автоматик бошқариш, компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати ростланувчи двигателларни қўллаш муаммоларини ҳал қилиш бўйича хорижий олимлардан А.С. Хлынин, О.В. Крюков, С.В. Михалев, А.Л. Жеребцов, А.В. Мигачев, Д.Г. Садиқов, Л.А.Зипман, И.И. Артюков, умумсаноат механизмларни частотали бошқариш, динамик ва иш режимларини бошқариш орқали энергия ва ресурс тежамкорликка эришиш, газни узатиш жараёнида компрессор қурилмалари юритмаларини бошқариш каби муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий олимларимиздан М.З. Хамудханов, Т.С. Камалов, А.А. Хошимов, Н.М. Арипов, О.Х.Ишназаров, М.М. Хамудханов, О.З. Тоиров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Шу билан бирга газ ҳайдаш агрегати қурилмаларидаги синхрон электр юритмаларни технологик талабларни эътиборга олган ҳолда бошқариш, электр энергия истеъмолига ва иш режимларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмасининг энергия самарадорлигини ошириш масалалари етарлича

даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Энергетика ва автоматика институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-АЗ-90053 “Иқтисодиёт соҳаларининг энергияни кўп истеъмол қиладиган объектларида энергия сарфининг энерго-ресурс тежамкор режимларини ишлаб чиқиш” (2015-2017) ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг ИЛ-442105947 “Микро ГЭС ва ШЭС лардаги фаза роторли асинхрон генераторларнинг ўзгармас частотали стабил электр қувватини узатишини таъминловчи автоматик қурилма яратиш” (2022-2023) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

газни узатиш жараёнида синхрон двигателли компрессор қурилмаларининг бошқариш усулларини, динамик иш режимларини, кўзғатиш тизимлари ва уларнинг автоматик ростлаш масалаларини таҳлил қилиш;

компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигателининг мавжуд кўзғатиш тизимини таҳлил қилиш асосида автоматик бошқарилувчи тиристорли кўзғатиш тизимини математик модели ва структура схемасини ишлаб чиқиш;

газ ҳайдаш агрегати реактив қувватни қоплаш компенсатори сифатида фойдаланиш учун турли иш режимларидаги юкламаларни эътиборга олган ҳолда синхрон двигателнинг кўзғатиш токини автоматик бошқариш орқали реактив қувватни қоплаш имкониятларини аниқлаш;

компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати частотавий ростланувчи синхрон двигателининг энергетик кўрсаткичларини технологик жараёнларни эътибор олган ҳолда таҳлил қилиш;

компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигателининг ишга тушириш режимларини турли бошқариш тизимларида таҳлил қилиш ва имитацион моделлаштириш;

газ узатиш жараёнида бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларнинг энергия самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, ҳамда электромеханик тизимнинг энергия самарадорлигини аниқлаш методикасини ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

газ узатиш жараёнида технологик ва эксплуатация омилларни эътиборга олган ҳолда қишки ҳамда ёзги иш режимларида компрессор қурилмалари энергия самарадорлигининг математик моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти газни узатиш жараёнидаги компрессор қурилмаларининг бошқарилувчи синхрон электр юритмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети компрессор қурилмаси синхрон электр юритмасининг энерготежамкор иш режимлари, кўзғатишни автоматик ростлаш тизими, электромеханик тизимни энергия самарадорлигини баҳолаш алгоритми ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида синхрон электр юритма назариясининг замонавий усуллари, маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш,

математик статистика, синхрон двигателларни математик моделлаштириш, газни сиқиш жараёнида энергия самарадорлиги ва сиғимдорлигини аниқлаш, ишлаб чиқилган математик моделларда олинган натижаларини статистик ва аналитик ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

компрессор станциясидаги синхрон двигателнинг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизими асосида унинг математик модели ва структура схемаси ишлаб чиқилган;

газ ҳайдаш агрегатини реактив қувватни қоплаш компенсатори сифатида фойдаланиш учун турли иш режимларидаги юкламаларни эътиборга олган ҳолда синхрон двигателнинг қўзғатиш токини автоматик бошқариш орқали энергия тежамкор тизим ва реактив қувватни қоплаш имкониятини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

ўзгарувчан бошқарув частотасида компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигатели энергетик кўрсаткичларининг математик моделлари бошқариш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган;

технологик жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, газни узатувчи компрессор станциясининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикаси сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёрини аниқлаш асосида ишлаб чиқилган;

мавсумий иш режимларидаги компрессор қурилмалари энергия самарадорлигининг математик моделлари, газ узатиш жараёнида энергия самарадорлигига таъсир этувчи технологик ва эксплуатация омиллари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

синхрон двигателнинг мавжуд ўзгармас ток генераторли қўзғатиш тизимини автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизимига модернизация қилиш асосида турли бошқарув тизимлари билан ишлайдиган компрессор қурилмасининг энергия самарадорлигини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

газ ҳайдаш агрегати учун технологик жараёнларига таъсир этувчи асосий факторларни эътиборга олган ҳолда “Частота ўзгартиргич - двигател - компрессор” электромеханик тизимнинг энергия ва ресурс тежамкор иш режимлари ишлаб чиқилган;

технологик жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, табиий газни узатувчи компрессор станциясининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ишончлилиги математик моделлаштириш, электромеханик тизимларни автоматик бошқариш ва ростлаш усулларига асосланади. Экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усулларни жориш этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти компрессор станциясидаги синхрон двигателнинг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизими асосида унинг математик модели ва структура схемаси ишлаб чиқилганлиги; частотавий бошқарилувчи электр юритмали компрессор қурилмаларини энергетик кўрсаткичларининг математик ифодалари бошқариш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилганлиги; газ узатиш жараёнларининг мавсумий иш режимларида

компрессор қурилмалари энергия самарадорлигининг математик моделлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти газ ҳайдаш агрегатини реактив қувватни қоплаш компенсатори сифатида фойдаланиш учун турли иш режимларидаги юкламаларни эътиборга олган ҳолда синхрон двигателнинг қўзғатиш токини автоматик бошқариш орқали энергия тежамкор тизим ва реактив қувватни қоплаш имкониятини аниқловчи алгоритм асосида дастурий таъминот ишлаб чиқилганлиги; технологик жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, табиий газни узатувчи компрессор станциясининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор станциясининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

технологик жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, табиий газни узатувчи компрессор станциясининг энергия самарадорлигини ва қурилмада сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёрини аниқлаш методикаси “Ўзтрансгаз” АЖ “Қогон магистрал газ қувурлари бошқармаси” га жорий қилинган (Энергетика вазирлигининг 2022 йил 15 июлдаги №13-3631 сонли маълумотномаси). Натижада табиий газни узатишда сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёри аниқланиб амалиётга жорий этилди, ҳамда электр энергия истеъмолини 3% га тежаш имконини берди.

Газ ҳайдаш агрегатини реактив қувватни қоплаш компенсатори сифатида фойдаланиш учун турли иш режимларидаги юкламаларни эътиборга олган ҳолда синхрон двигателнинг қўзғатиш токини автоматик бошқариш орқали энергия ва ресурс тежамкор тизими ишлаб чиқилди ва реактив қувватни қоплаш имконияти аниқланди (Энергетика вазирлигининг 2022 йил 15 июлдаги №13-3631 сонли маълумотномаси). Натижада тармоқнинг қувват коэффициентини ошириш, кабел линиясидаги ҳамда двигателнинг статор чулғамидаги актив қувват исрофларининг камайиши ҳисобига йилига 5198400 кВт·соат реактив энергиясини қоплаш имконияти яратилди. Иқтисодий самарадорлик 332 697 600 (уч юз ўттиз икки миллион олти юз тўқсон етти минг олти юз) сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та халқаро илмий – техник конференцияларда, жумладан 10 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, улардан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 7 та илмий мақолалар, жумладан 4 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этирилган, шунингдек ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан яратилган ЭХМ дарстурига 5 гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зурурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нефт-газ саноатидаги газ ҳайдаш агрегатининг замонавий ҳолати, ривожланиш истиқболлари ва уларни бошқариш масалалари”** деб номланган биринчи бобида республикада табиий газ истеъмолининг охириги йиллардаги ўсиш тенденциялари келтирилган, газни узатиш тизимидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегати қурилмалари моторини частотавий ростлагич орқали динамик ва иш режимларини бошқариш, тизимнинг энергия самарадорлигини ошириш, газ ҳайдаш агрегати синхрон двигателининг (СД) қўзғатиш тизимлари ва уларнинг автоматик ростлаш масалалари бўйича адабиётлар тизимлаштирилган ва тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Ҳозирги кунда компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати юритма турлари ва технологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда иш режимлари бўйича кўриб чиқилган. Компрессор станциядаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатларини технологик схемаси 1-расмда келтирилган.



1 - расм. Компрессор цехидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг технологик схемаси: 1- синхрон двигател; 2- марказдан қочма компрессор; 3 – қувурлар

Газни сиқиш ва узатиш жараёнларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича ишланмаларга бағишланган илмий адабиётларда нефтгаз саноатидаги технологик жараёнларнинг энергия самарадорлигини оширишни таъминлайдиган бошқарилувчи электр юритмаларга таълуқли масалалар етарлича ёритилмаганлиги келтирилган.

«Когон магистрал газ қувурлари бошқармаси» нинг компрессор цехида ўтказилган тадқиқот ишлари, олиб борилган илмий ва амалий ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг “**Энергия тежамкор бошқарилувчи синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг математик моделлари ва структура схемалари**” деб номланган иккинчи бобида бошқарилувчи синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини структуравий схемаси ва математик моделлари ишлаб чиқилган. Компрессор қурилмасини частотавий бошқарилувчи синхрон электр юритмасининг энергетик параметрлари асосида газ ҳайдаш агрегатидаги синхрон электр юритмани асинхрон ишга тушириш режимининг имитацион модели ва структура схемаси ишлаб чиқилган. Газ ҳайдаш агрегатидаги синхрон электр юритмани кучланишни ростлаш, частота ўзгартиргич орқали ишга тушириш режимларининг имитацион модели ва структура схемаси ишлаб чиқилган.

d ва q ўқлари бўлган газ ҳайдаш агрегати синхрон электр юритманинг математик модели қуйидаги дифференциал тенгламалар билан тавсифланади.

$$\left. \begin{aligned} \frac{d\psi_d}{dt} &= u_d + \omega \cdot \psi_d - R_c \cdot i_d \\ \frac{d\psi_q}{dt} &= u_q - \omega \cdot \psi_q - R_c \cdot i_q \\ \frac{d\psi_f}{dt} &= u_f - R_f \cdot i_f \\ \frac{d\psi_{yd}}{dt} &= -R_{yd} \cdot i_{yd} \\ \frac{d\psi_{yq}}{dt} &= -R_{yq} \cdot i_{yq} \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

бу ерда u_f - тармоқнинг қўзғатиш кучланиши; $R_c, R_f, R_{yd} = R_{yq}$ - статор, қўзғатиш чулғами ва амортизаторнинг актив қаршиликлари; ψ_d, ψ_q - ўқлардаги магнит оқим илашувчанлиги, Вб; i_d, i_q - ўқлардаги тоқлар, А;

Барча келтирилган натижаларни инобатга олган ҳолда, бошқарилувчи электр юритмали компрессор қурилмаси учун статик момент тенгламасини қуйидагича ифодалаймиз.

$$M_c = M_{c\bar{o}} + (M_{cн} - M_{c\bar{o}}) \cdot (n/n_n)^2 = \frac{13,34 \cdot Z \cdot T_1 \cdot Q_2 (\varepsilon^{0.3} + 1)}{2 \cdot \pi \cdot f \cdot \eta} + \frac{13,34 \cdot Z \cdot T_1 \cdot Q_2 (\varepsilon^{0.3} + 1)}{2 \cdot \pi \cdot f_n \cdot \eta} - \frac{13,34 \cdot Z \cdot T_1 \cdot Q_2 (\varepsilon^{0.3} + 1)}{2 \cdot \pi \cdot f \cdot \eta} \cdot \left(\frac{13,34 \cdot Z \cdot T_1 \cdot p \cdot Q_2 (\varepsilon^{0.3} + 1)}{2 \cdot \pi \cdot f^2 \cdot \eta \cdot 60} \right)^2 \quad \text{Н} \cdot \text{м} \quad (2)$$

Частотавий бошқарилувчи электр юритмалар орқали газ ҳайдаш агрегатларни ишга тушириш режимларини бошқариш масалалари кўриб

чиқилган. Частотавий бошқариладиган синхрон электр юритманинг асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг энергетик кўрсаткичлари ҳисобланади. Газ ҳайдаш агрегатларида частотавий бошқарилувчи синхрон электр юритмасининг энергетик параметрларини технологик параметрлар орқали ифодалаймиз.

Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини сиқиш коэффициентини технологик ва энергетик кўрсаткичлар орқали қуйидагича аниқлаймиз.

$$\varepsilon = \sqrt[3]{\left(\frac{m \cdot \eta \cdot \rho_z \cdot (K_e \cdot U \cdot i_e \sin \theta \cdot 2 \cdot x_\theta \cdot F + \rho_z \cdot U^2 \cdot \sin \cdot 2 \cdot \theta \cdot x_{ad})}{26,68 \cdot x_\theta \cdot x_{ad} \cdot F \cdot Z \cdot T_1 \cdot Q_2}\right)^{10}} \quad (3)$$

Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг фойдали иш коэффициенти қуйидагича ифодаланади.

$$\eta = \frac{P_1 - \Delta P}{P_1} = \frac{r_{a\delta}}{\frac{r_1}{F} + r_{a\delta}} + \frac{\left[\left(\frac{r_1}{F} + r_{a\delta}\right)^2 + (x_{1n} + x_{a\delta})^2\right] \left(r_b + K_e^2 f_n K_{cm} F\right)_b^2}{m \frac{U^2}{F} \left(\frac{r_1}{F} + r_{a\delta}\right)} \quad (4)$$



Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг қувват коэффициенти қуйидагича ифодаланади.

$$\cos \varphi = \frac{\frac{r_1}{F} + r_{a\delta}}{\sqrt{\left(\frac{r_1}{F} + r_{a\delta}\right)^2 + (x_{1n} + x_{a\delta})^2}} \quad (5)$$


Ўзгарувчан бошқарув частотасида компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигатели энергетик кўрсаткичларининг математик моделлари бошқариш қонуниятлари асосида ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда компрессор станциясидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини ишга тушириш масалалари жуда ҳам долзарб ҳисобланди. Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини қуйидаги 3 хил усулда ишга тушириш режимлари кўрилган (2-4 расмлар): 1. Газ ҳайдаш агрегатидаги синхрон электр юритмани асинхрон ишга тушириш; 2. Газ ҳайдаш агрегати синхрон электр юритмани кучланиш ўзгартиргич орқали ишга тушириш; 3. Газ ҳайдаш агрегати синхрон электр юритмани частота ўзгартиргич орқали ишга тушириш.

2-4 расмларда синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини асинхрон, кучланиш ва частота ўзгартиргич орқали ишга туширишнинг имитацион моделлари, вақт бўйича ишга тушириш токи ва электромагнит моментининг графиклари келтирилган.





б)




с)

2-расм. Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини асинхрон ишга туширишнинг имитацион модели (а), ишга тушириш токи (б) ва электромагнит momenti (с) графиклари




б)



с)

3-расм. Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини кучланиш ўзгартиргич орқали ишга туширишнинг имитацион модели (а), ишга тушириш токи (б) ва электромагнит момент (с) графиклари



4-расм. Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини частота ўзгартиргич орқали ишга туширишнинг имитацион модели (а), ишга тушириш токи (б) ва статорга берилган кучланишнинг (с) графиклари

Экспериментал тадқиқотлар асосида синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини ишга тушириш режимларини имитацион моделларида олинган графиклар асосида солиштириш қийматлари 1 - жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини турли бошқариш тизимларида ишга тушириш режимларини таққослаш


Кўрсаткичлар	Асинхрон ишга тушириш	ТКУ орқали силлиқ ишга тушириш	Частотали ишга тушириш	Частотали ишга тушириш / Асинхрон ишга тушириш
Статор токи, I (А)	3115	890	445	7
Электромагнит момент, М (кН*м)	38,1	25,46	12,73	3
Ишга тушириш вақти, t (с)	5	15	25	5
Қўзғатиш токи I, (А)	241	209	188	0,78
Юритманинг қуввати, P (МВт)	3,9	3,7	3,2	0,82

Натижалар таҳлили электр энергияси тизимларида қўлланиладиган синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини ишга тушириш усулини танлаш зарурлигини тасдиқлади. Синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини иш режимидан қатъий назар частота ўзгартиргич орқали ишга тушириш, кучланиш ўзгартиргич ва асинхрон ишга туширишга нисбатан динамик жараёнларни яхшилаш, энергия исрофларини камайтириш имконини беради. Натижада двигателнинг ишлаш муддатини оширишга олиб


келади. Шунингдек, газ ҳайдаш агрегати синхрон электр юритмани ишга туширишнинг оптимал усулидан фойдаланиш орқали электромеханик ва электр таъминоти тизимларида авариявий ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимолини камайтиради.

Диссертациянинг «Газни узатиш жараёнида бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларининг энергия самарадор иш режимлари» деб номланган учинчи бобида турли юкламаларда частотавий бошқарилувчи синхрон двигателнинг қўзғатиш токи ва кучланишнинг ростлаш қонуни аниқланган, қўзғатишни автоматик ростлаш (ҚАР) тизимига эга компрессор қурилмаси синхрон моторининг математик модели ва структура схемаси ишлаб чиқилган, газ ҳайдаш агрегатидаги синхрон электр юритмани технологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда лойиҳаланган. Бошқарилувчи компрессор қурилмаларини турли юклама иш режимларида синхрон компенсатор сифатида қўллаш имкониятлари ўрганилган, бошқарилувчи синхрон электр юритмали компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Компрессор станциясидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизимини энг кам энергия исрофлар орқали бошқаришнинг блок схемаси 5-расмда, ҳамда ўзгармас ток генераторли тизимни ўзгармас қувват коэффиценти ($\cos\phi$) орқали бошқаришнинг блок схемаси 6 расмда келтирилган.




5-расм. СД ҚАР энг кам энергия исрофлар орқали бошқаришнинг блок схемаси




6-расм. $\cos\phi$ ўзгармас бўлган ҳол учун ҚАР нинг блок схемаси

Энг кам энергия исрофларни таъминловчи қўзғатиш токини бошқариш тизимини иккита тескари алоқа - статор кучланиши ёрдамида кучланиш (КТ) ва ток (ТТ) трансформаторлари орқали қуриш мумкин. 5 – расмда келтирилган блок схема бўйича қабул қилинган бошқариш қонунини амалга оширувчи қурилма (КК) орқали импульс фазали бошқариш тизими (ИФБТ) ва СД нинг қўзғатиш чулғамларидан таъминот олади. Бошқарилувчи ўзгартиргичдан (БЎ) иборат тиристорли ўзгартиргич (ТЎ) киришига таъсир этувчи сигналларга уланади. Технологик жараёнларни ҳамда юкламани эътиборга олган ҳолда компрессордан чиқувчи босимни ўзгармас сақлаш учун босим датчик орқали КК га тескари алоқа сифатида уланади. Натижада синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизимини энг кам энергия исрофлар орқали бошқариш имконияти яратилади.

Компрессор станциясидаги синхрон двигателнинг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизимини структура схемаси 7 ва 8 расмларда келтирилган.




7 - расм. СД ҚАР тизимининг структура схемаси




8 - расм. Қўзғатиш тизими тескари алоқа занжирининг структура схемаси


Тадқиқот ишида, газ ҳайдаш агрегатининг турли иш режимларидаги юкламаларни эътиборга олган ҳолда синхрон двигателнинг қўзғатиш токини автоматик тристорли бошқариш орқали реактив қувватни қоплаш компенсатори сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганилди. Натижада, турли юкламада технологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда реактив қувватни қоплаш имконини берувчи алгоритм ишлаб чиқилди. Алгоритм асосида дастурий таъминот яратилди ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ дастурига гувоҳнома олинди. Синхрон машинанинг U симон тавсифларини қуриш асосида, реактив қувватни қоплаш имконияти аниқланди (9-расм).



а)



б)




с)

9-расм. Компрессор станциясидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатини технологик талабларни эътиборга олган ҳолда компенсатор сифатида қўллаш алгоритми (а), реактив қувватни қоплай олиш имконияти (б), синхрон двигателни U симон (с) графиклари

Компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон электр юритмани турли юклама иш режимларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш масалалари кўрилган, ҳамда газ босимини сиқиш коэффициентини аниқлашнинг математик ифодаси олинган. Натижада турли хил юкламаларда агрегатдан чиқувчи газнинг температурасини ва босимини аниқлаш имконини берган.

Синхрон двигателли компрессор қурилмасини қўзғатиш тизимига рақамли электрон тиристорни қўллаш орқали қувват коэффициенти бирга тенг ($\cos\varphi=1$) қийматда таъминланади, натижада электромеханик тизимнинг энергия самарадорлиги ошади. Тадқиқот ишида компрессор қурилмасининг турли иш режимларида қўзғатиш тизимини автоматик бошқариш орқали тежалган электр энергия масалалари кўриб чиқилган. Бошқарилувчи синхрон электр юритмали компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигини аниқлаш 5 та асосий қисмга бўлиб ҳисобланади: синхрон двигателли компрессор қурилмаси томонидан истеъмол қилинган реактив қувватни компенсация қилиш орқали исрофларни камайтириш, синхрон двигателли компрессор қурилмасининг умумий токини камайтириш орқали кабел линиясидаги исрофларни камайтириш; синхрон двигателли компрессор қурилмаси қўзғатиш тизимини модернизация қилиш орқали истеъмол қувватини камайтириш; синхрон двигателли компрессор қурилмаси статоридаги исрофларни камайтириш;



10-расм. Компрессор станциясидаги тиристорли бошқарилувчи синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг энергия самарадорлигини аниқлаш алгоритми

Диссертациянинг «Газни узатиш жараёнида компрессор қурилмаларининг экспериментал тадқиқотлари ва энергия самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида газни узатиш

синхрон двигателли компрессор қурилмаси номинал иш режими билан солиштирганда статор ва ротор чулғамларни қизишининг камайиши.

Компрессор станциясидаги синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегати қўзғатиш тизимини энергия самарадорлигини аниқлаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилди (10-расм) ҳамда амалиётга жорий этилди. Компрессор станциясидаги тиристорли бошқарилувчи синхрон электр юритмали газ ҳайдаш агрегатининг энергия самарадорлигини аниқлаш методикасига ва алгоритмига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭХМ дастурига гувоҳнома олинган.

жараёнида компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган; газ узатиш жараёнида технологик ва эксплуатация омилларни эътиборга олган ҳолда қишки ҳамда ёзги иш режимларида компрессор қурилмалари энергия самарадорлигининг математик моделларини ишлаб чиқилган; бошқарилувчи электр юритмали компрессор қурилмаларини газни узатиш жараёнида жорий этишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган.

Компрессор агрегатлари ишининг энергия самарадорлиги нефт-газ саноати корхонасининг умумий энергия самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда 1000 м³ табиий газни узатиш учун сарфланадиган электр энергияси меъёрларини аниқлашда комбинацияланган усул, яъни ҳисоблаш - аналитик, экспериментал ва ҳисобий – статистик усуллар қўлланилади. Компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегатини технологик жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш вазифага қараб, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: энергия ресурслари сарфини минималлаштириш, энергия самарадорлигини ошириш бошқарувнинг ишончилиги ва тезлигини ошириш, ускуналарнинг энергия самарадорлик коэффициентини ошириш.

Компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегатининг энергия самарадорлигига қуйидаги асосий ташқи ва ички таъсир қилувчи омиллар ҳамда агрегатнинг иш режимлари таъсир қилади: компрессорга кирувчи газнинг босими ва температураси, компрессордан чиқувчи газнинг босими ва температураси, компрессорнинг сиқиш коэффициенти, ташқи ҳавонинг температура, синхрон двигателнинг қўзғатиш ва статор тоқлари, компрессорларнинг истеъмол қуввати ва энергияси, газ ҳайдаш агрегатидаги синхрон двигателнинг юклама коэффициенти, компрессорга кирувчи газнинг зичлиги, компрессорнинг унумдорлиги.

Бу омиллар бир вақтнинг ўзида газни узатиш учун сарфланадиган солиштирма электр энергия сарфи меъёрига ҳам таъсир кўрсатади. Газни узатиш жараёнига солиштирма электр энергия сарфи меъёри қуйидаги функциялардан иборат.

$$N = f(P_1, P_2, T_1, T_2, \varepsilon, T_x, I_k, I_{cm}, P, k_{\rho}, \rho, Q_{сум}, W) \quad (6)$$

11-расмда компрессор станциясидаги газ узатиш жараёнига таъсир қилувчи асосий омилларларнинг структураси келтирилган.



11-расм. Компрессор станциясидаги газ узатиш жараёнига таъсир қилувчи асосий омиллар структураси

Тадқиқот объектида ўлчовлар 2021-2022 йилларда амалга оширилган бўлиб, натижалар таққосланганда ёз ва қиш мавсумидаги солиштирма электр энергия сарфи 2 маротабагача фарқ қилиши аниқланди. Технологик жараёнларга ташқи ҳарорат таъсири ёзги вақт режимларини эътиборга олиб, 1000 м³ табиий газни узатиш учун сарфланадиган электр энергия миқдори ва экспериментал ўлчовлар натижалари асосида аниқланди.

Кореляцион ва дисперсион таҳлиллар асосида газни узатиш жараёнидаги электр энергиясининг солиштирма меъёрига таъсир этувчи кучсиз боғланган омиллар эътиборга олинмади.

Экспериментал маълумотлар ва регрессион таҳлиллар асосида, ёзги ва қишги вақт режимларини эътиборга олган ҳолда 1000 м³ газни узатишдаги электр энергияси солиштирма меъёрининг математик модели компрессорга кирувчи газнинг температураси T_1 , компрессордан чикувчи газнинг температураси T_2 , компрессорнинг сиқиш коэффициенти ε , ташқи ҳавонинг температура T_x , синхрон двигателнинг қўзғатиш токи I_k , компрессорлар томонидан истеъмол қилинган кунлик электр энергияси W , компрессордаги газнинг кунлик ҳажми $Q_{кун}$ функциясида олинган.

Компрессор станцияси ёзги режимлари учун 1000 м³ газни узатишдаги электр энергияси солиштирма меъёрининг математик модели.

$$N_{КС} = 23,23750 - 0,02795 \cdot T_1 + 0,04784 \cdot T_2 - 3,73921 \cdot \varepsilon - 0,03046 \cdot T_x - 0,0059 \cdot I_{кз} + 0,00013 \cdot W - 2,32758 \cdot Q_{сут} \quad (7)$$

Компрессор станцияси қишги режимлари учун 1000 м³ газни узатишдаги электр энергияси солиштирма меъёрининг математик модели.

$$N_{КС(қишқи)} = 13,47657 + 0,01093 \cdot T_1 - 0,00927 \cdot T_2 + 0,61327 \cdot \varepsilon - 0,00728 \cdot T_x - 0,00009 \cdot I_{кз} + 0,00013 \cdot W_{сут} - 1,83150 \cdot Q_{сут} \quad (8)$$

Технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, 1000 м³ газни узатишдаги электр энергиясининг солиштирма меъёрининг модели адекватликга текшириш шуни кўрсатдики, СТМ-4000 типидagi синхрон юритмали газ ҳайдаш агрегати учун ҳақиқий натижалар билан моделлашнинг натижаларининг номуносивлиги 2,09% дан кам эканлиги аниқланди. Моделнинг дастлабки маълумотларга мослигини таҳлил этиш олинган натижаларнинг етарли даражада аниқлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси «Бошқарилувчи электр юритмалар асосида компрессор қурилмаларининг энергия самарадорлигини ошириш» илмий иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ўзгарувчан бошқарув частотасида компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигателининг автоматик бошқарилувчи тиристорли қўзғатиш тизимини математик модели ва структура схемаси бошқариш қонуниятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Натижада компрессор қурилмаси синхрон двигателининг қўзғатиш тизимини автоматик бошқариш имконини берди.

2. Компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигателининг ишга тушириш режимларини турли бошқариш тизимларида таҳлил қилинди ва имитацион моделлаштирилди. Натижада частотавий ростланувчи электромеханик тизимнинг ишга тушириш токи 6 мартага, моменти эса 3 мартага камайиши ҳисобига силлиқ ишга тушириш жараёнлари таъминланиши, газ ҳайдаш агрегатларнинг динамик режимларини яхшилаш ҳисобига эксплуатация муддати ошиши аниқланди.

3. Бошқариш қонуниятларини ва технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ўзгарувчан бошқарув частотасида компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегати синхрон двигатели энергетик кўрсаткичларининг математик ифодалари ишлаб чиқилди. Натижада турли юклама режимларида энергетик кўрсаткичлар асосида электромеханик тизимнинг самарадорлиги аниқланди.

4. Технологик жараёнларга таъсир этувчи асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда, табиий газни узатувчи компрессор станциясининг энергия самарадорлигини ва қурилмада сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёрини аниқлаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилди. Натижада “Ўзтрансгаз” АЖ “Когон магистрал газ қувурлари бошқармаси” даги СТМ-4000 типидagi синхрон двигателли компрессор агрегати учун 1000 м³ табиий газни узатишда сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёри аниқланиб амалиётга жорий этилди, ҳамда электр энергия истеъмолини 3% га тежаш имконини берди.

5. Компрессор станциясидаги газ ҳайдаш агрегатларини энергия самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида СТМ-4000 типидagi синхрон двигателнинг мавжуд ўзгармас ток генераторли кўзғатиш тизимини автоматик бошқарилувчи тиристорли кўзғатиш тизимига модернизация қилиш ва “Когон магистрал газ қувурлари бошқармаси” бўйича турли бошқарув тизимлари билан ишлайдиган компрессор қурилмасининг энергия самарадорлигини аниқлаш усули жорий этилди. Натижада йиллик иқтисодий самарадорлик мавжуд бошқариш тизимига нисбатан 1000 м³ табиий газни узатишда сарфланадиган электр энергиясининг солиштирма меъёрини 2,5 кВт·соатга камайтириш имконини берди.

6. Нефт-газ саноатидаги магистрал газ қувурлари корхонасида фойдаланиб келинаётган газоконпрессор станцияларда реактив қувватни қоплаш имконияти ва чегараси технологик жараёнларни эътиборга олган ҳолда аниқланди. Натижада тармоқни қувват коэффициентини ошиши, кабел линиясидаги ҳамда двигателнинг статор чулғамидаги актив қувват исрофларининг камайиши ҳисобига йилига 5198400 кВт·соат реактив энергиясини қоплаш имконияти яратилди. Иқтисодий самарадорлиги йилига 332 697 600 сўмни ташкил этди.

7. Газ узатиш жараёнида асосий технологик ва эксплуатация омилларни эътиборга олган ҳолда қишқи ҳамда ёзги иш режимларида компрессор қурилмалари энергия самарадорлигининг математик моделлари регрессион таҳлиллар асосида ишлаб чиқилди. Натижада синхрон двигателнинг иш режимларидаги энергия самарадорликни аниқлаш, ҳамда экспериментал натижалар билан таққослаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПРОБЛЕМ
ЭНЕРГЕТИКИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРХОНОВ УТКИР КАХРАМОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ КОМПРЕССОРНЫХ
УСТРОЙСТВ НА ОСНОВЕ УПРАВЛЯЕМЫХ ЭЛЕКТРОПРИВОДОВ**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/T1618.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ww.energetika.uz), а также в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Тоиров Олимжон Зувурович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Каршибаев Аскарбек Илашевич доктор технических наук, профессор Хошимов Урал Хошимович доктор философии по техническим наукам, PhD
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2021.T.143.01 при Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан. (Адрес: 100076, г.Ташкент, ул Мухтора Ашрафий 1-проезд, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08; факс: (99871) 283-23-08; e-mail: energetika_in@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан (регистрационный номер ____). (Адрес: 100076, г.Ташкент, ул Мухтора Ашрафий 1-проезд, 9-А. Тел.: (99871) 283-23-08)

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2023 года.

(протокол рассылки № « ____ » от « ____ » _____ 2023 года).

Х.М. Муратов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

К.Ш. Кадиров

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктора философии (PhD) по техническим наукам, с.н.с.

О.Х. Ишназаров

председателя научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире энергоэффективность является одним из определенных средств достижения целей устойчивого развития в экономической, социальной и экологической сферах. В частности, спрос на природный газ быстро растет в промышленности и электроэнергетике. Ожидается, что в ближайшие 5 лет мировой спрос на газ будет расти в среднем на 1,4% в год и к 2040 году достигнет¹ 5400 млрд м³. Учитывая данные потребности, особое внимание уделяется оптимизации режимов работы газотранспортных компрессорных станций, анализу факторов, влияющих на энергетическую эффективность компрессорных устройств на основе электрических приводов, управляемых в процессе транспортировки газа, разработке методики и алгоритма определения энергоэффективности электромеханической системы, повышению энергоэффективности на основе оценки и моделирования энергетических показателей агрегата.

В мире проводится ряд научных исследований, направленных на определение влияния внешних факторов и эксплуатационных характеристик на технические показатели газоперекачивающих агрегатов, а также энергоэффективность и оптимальные режимы работы оборудования, на разработку методов энергосбережения в динамическом и статическом режимах частотно-регулируемого электропривода в процессе транспортировки газа. В связи с этим поддержание температуры газа на выходе из агрегата на оптимальном уровне на основе управления частотно-регулируемыми синхронными двигателями при транспортировке газа, определение оптимальных критериев при регулировке синхронных двигателей является одной из важных задач. Кроме того, в зависимости от характера технологического процесса, разработка критерия и способа управления регулирующими электроприводами газоперекачивающих агрегатов, обеспечение статической и динамической устойчивости регулируемого электропривода и реализация ее на практике является одной из актуальных задач.

В нашей республике проводятся масштабные реформы по повышению энергоэффективности за счет снижения энергозатрат в процессе транспортировки газа, созданию новых энергосберегающих технологий, комплексному управлению и совершенствованию электромеханических систем с учетом технологических процессов. Конкретные задачи в реализации данной работы предусмотрены в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы «Непрерывное обеспечение экономики электроэнергией и активное внедрение технологий «Зеленой экономики» во все отрасли, повышение энергоэффективности экономики на 20 процентов...»². При реализации данных задач важно разработать систему автоматического управления электроприводом газоперекачивающего агрегата с учетом изменения технологических параметров на газоконпрессорных станциях.

¹ <https://www.eriras.ru/files/mirovye-gazovye-gorizonty-do-2040-goda.pdf>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022г № УП-60 «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПП-60 от 28 января 2022 года «О новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы», № УП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», № УП-4779 от 10 июля 2020 года «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями, предусмотренными в 2 разделе «Энергетика, энергосбережение и альтернативные источники энергии».

Степень изученности проблемы. Ряд зарубежных ученых, в том числе В.К. Kumar, М. Malinovski, L.G. Franquelo, L.M. Tolbert, J. Rodriguez, S. Kouro, D.V. Benn, М.А. Perez, R.E. Kalman, K.D. Lyuis, С.Е. Shannon, S.A. Makridakis, G.R. Schwartz, А.М. Абакумов, В.Н. Мосин, Л.А. Мигачева, С.В. Алимов и другие внесли свой вклад в решение вопросов эффективного использования энергоресурсов в газоперекачивающих агрегатах компрессорных станций в системе магистральных газопроводов, совершенствования систем автоматического управления газоперекачивающими агрегатами на основе нормативных показателей. Среди наших отечественных ученых Р.А. Захидов, К.Р. Аллаев, Т.Х. Насиров, Х.М. Муратов, Ф.А. Хошимов, Н.Х. Бозоров, Н.Б. Пирматов, Н.Н. Садуллаев, А.И. Каршибаев и другие добились значительных результатов в плане достижения энергоэффективности за счет оптимизации режимов работы потребителей промышленных предприятий, внедрения новых энергоэффективных технологий.

Зарубежными учеными А.С. Хлынином, О.В. Крюковым, С.В. Михалевым, А.Л. Жеребцовым, А.В. Мигачевым, Д.Г. Садиковым, Л.А. Зипманом, И.И. Артюковым проведены научные исследования по вопросам автоматического управления приводами синхронных электроприводных газоперекачивающих агрегатов, применения регулируемых двигателей газоперекачивающего агрегата компрессорной станции, отечественными учеными М.З. Хамудхановым, Т.С. Камаловым, А.А. Хошимовым, Н.М. Ариповым, О.Х. Ишназаровым, М.М. Хамудхановым, О.З. Тоировым и другими были проведены научные исследования в решении таких задач, как достижение энерго- и ресурсосбережения за счет управления динамикой и режимами работы, управления работой компрессорных установок при транспортировке газа.

В то же время недостаточно изучены вопросы по управлению синхронными электроприводами в установках газоперекачивающих агрегатов с учетом технологических требований, определения факторов, влияющих на потребление электроэнергии и режимы работ, повышения

энергоэффективности компрессорной установки на основе управляемых электроприводов.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высших учебных заведений, где выполнена работа.

